O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 17 февраль
ЧОРШАНБА
№ 13 (12.233)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## КУЧ-ҒАЙРАТ, БИЛИМ ВА МАЛАКА МУШТАРАК

**"Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деганларича бор. Оққўрғонлик Абдулҳақ Абдураҳимов буни ўз фаолиятида исботлаяпти. У – олий маълумотли чорвадор. Қишлоқ хўжалик институтини битиргач, жамоа хўжаликлари фермасида осеменатор, ветврач, зоотехник бўлиб ишлаб, назарий билимларини амалда бойитди.**

Чорва мутахассиси сифатида етарли тажрибага эга эканлигига ишонч ҳосил қилгач, фермер бўлиш ҳаракатига тушди. 1997 йили банкдан олган 2 миллион сўм кредитни асосий сармоя қилиб, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этди. Ўшанда 30 бош ғунажин билан иш бошлаган эди. Мана бугун, асосан сут етиштирувчи йирик фермер хўжалигига айланди. Мол туёғи қарийб беш баравар кўпайиб, 142 бошга етди. Шундан 43 боши сигир. Ҳар биридан кунига 11-12 литрдан сут соғиб олиниб, Тошкент сут заводига 450 литр маҳсулот топширилмоқда.

– "Сигирнинг сути тилида" деган гап бежиз айтилмаган, – дейди Абдулҳақ Абдураҳимов. – Чорвачиликнинг асоси озуқа базаси ҳисобланади. Биз шу талабга амал қилиб, экин майдонларимизни 67 гектарга етказдик. 20 гектарда маккажўхори, 18 гектарда беда, 12 гектарда ғалла етиштирамиз. Уч-тўрт гектарга лавлаги ва соя экамиз. Айтмоқчиманки, тўйимли озуқа ўзимиздан чиқади. Бундан ташқари ҳайдов ва транспорт тракторлари, сеялка, беда ва силос ўриш комбайнларимиз ўзимиз учун етарли.



**СУРАТДА:** фермер Абдулҳақ Абдураҳимов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

## ДОИМИЙ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича вилоят жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.**

Унда давлатимиз раҳбарининг аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантиришга қаратилган қарорлари ижроси бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, кенгаш аъзоларининг ҳисоботи тингланди.

Шунингдек, бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот чора-тадбирлари дастури асосида жамоатчилик фаолиятини янада такомиллаштириш хусусида сўз борди. Тиббиёт ходимларининг оналар ва болалар саломатлигига оид қарорлар ижросидаги ўрни ва масъулиятини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## ЯКШАНБА МАШҒУЛОТЛАРИ

**Зангиота тумани Хонобод қишлоғининг «Олмос» маҳалласи фаоллари болалар ва хотин-қизлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун якшанба кунлари фаолият олиб борадиган спорт тўгараклари ташкил этишди.**

Қизлар волейбол, ўғил болалар баскетбол, 10 нафар аёл эса гимнастика билан шуғулланмоқда. Машғулотлар мактаб спорт залларида ўтказилаётир.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

ГАЗЕТХОНЛАР УЧУН УЧРАШУВ

*Фикрлар, ёндошувлар, нуқтаи назарлар, ташаббуслар хилма-хиллиги – жамият тараққиётини тезлатувчи қудратли кучдир. Бу, давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидлаганидек, халқимиз янги жамият қуриш йўлида эришаётган ютуқларни янада кўпайтириш, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, фарзандларимиз биздан кўра кучли, иқболлари баланд бўлиб етишишларига эришишнинг асосий манбаидир. Аксинча, муҳим орзу-ниятларимизни "ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйсак, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин". Мустақил тараққиётнинг ўн саккиз йиллик тажрибаси буни тасдиқламоқда.*

*"Тошкент ҳақиқати" таҳририяти ўтган йиллар мобайнида эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш, кенг фикрли замондошларимизнинг ҳар соҳада олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишига тўғаноқ бўлаётган ҳолатларга муносабатларини кенг ёритиш, шу тариқа ижтимоий фикрни, куч-ғайратни умумий саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштиришга хизмат қилувчи мақолалар эълон қилиш ниятида. Бугун шундай мақоланинг дастлабкисини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

## БАХТНИНГ КАЛИТИ – ИНТИЛИШДА

Киши ўз иқболини фақат меҳнат билан яратади. Орзу-умидларига ҳалол ишлаб етишган одам борки, бахтиёрдир. Тадбиркорлар саъй-ҳаракатларининг асосини ҳам, фаррош юмушларининг негизини ҳам меҳнат ташкил этади. Газетхонлар учун бугунги учрашув меҳмони – ўз бахт-иқболига меҳнат билан эришаётган замондошимиз – мустақиллик йилларида камол топган янги авлод вакили, Янгийўл туманидаги «Бинокор-М» корхонаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муроджон Ортиғалиев. У Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғида туғилган. 2003 йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетини битирган. 36 ёшда. Оилали. Олти фарзанд отаси.

**– Биз ҳозир жаҳон иқтисодиётини молиявий танглик қамраб олган бир шароитда яшамоқдамиз. Бироқ, ўз вақтида кўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётига молиявий инқироз таъсирини наинки юмшатиш, балки ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашга, ўсиш суръатларини жадаллаштиришга эришиляпти. Мурođжон, бу борада сизнинг нуқтаи назарингиз қандай?**

(Давоми 2-бетда).

## ҲАР ТЕНГДОШГА БИР ҒАЗАЛ

**Буюк бобокалонларимиз Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларини кенг нишонлаш мақсадида вилоятимизнинг барча мактаб ва коллежларида бадиий кечалар ўтказилаётир. Шундай тадбирлардан бири – "Ҳар тенгдошга бир ғазал" лойиҳаси Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтди.**

Бу каби тадбирларни ўтказишдан мақсад халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб voяга етказиш, бой маънавий меросимизга, миллий анъана ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдир.

Тадбирда талабалар томонидан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодидан ғазал ва рубоийлар мутолаа қилинди, саҳналаштирилган томошалар намойиш этилди.

**Нигина БОБОЕВА.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

АНГРЕН ШАҲРИ

### ҚУЛАЙЛИК

**Шаҳарнинг чекка «Гулбоғ» маҳалласидаги 31-милиция таянч пунктида фуқароларга паспорт топшириш йўлга қўйилди.**

Бундан биринчи маротаба паспорт олаётган ёшлар ҳам, паспорт алмаштираётган кексалар ҳам бирдек хурсанд.

Энг муҳими, энди бу маҳалла фуқаролари паспорт олиш ёки алмаштириш учун шаҳар марказига қатнашмайди.

**Шерали АНВАРОВ.**

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

### ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

**Нуробод қишлоқ хўжалик ва иқтисодиёт коллежида "Баркамол авлод – келажак пойдевори" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

Таниқли санъаткор ва саҳна усталарининг қизиқарли суҳбатлари, ибратли ҳикоялари, дилтортар куй-қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Вилоят маънавият-тарғибот маркази, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида уюштирилаётган бундай мароқли учрашувлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида давом этаётир.

**Гўзал ҚОБИЛОВА.**

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

### ТАРБИЯ БОЛАЛИКДАН

**Шаҳардаги 14-меҳрибонлик уйида ёшлар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари, меҳрибонлик уйи раҳбарияти ва тарбияланувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар тадбирдан кўзланган мақсад тарбияланувчиларнинг ўз ҳаёт йўлларини тўғри белгилашларига кўмаклашиш, маънавий далда бериш, моддий қўллаб-қувватлаш эканлигини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида республика ёш томошабинлар театри ижодий жамоасининг чиқишлари болажонларни хушнуд этди.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

### ГИЛАМДА – КИЧКИНТОЙЛАР

**Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида 1994-2004 йилларда туғилган ёшлар ўртасида "Биз баркамол авлод – мустақил Ўзбекистонимизнинг мустаҳкам пойдеворимиз" шиори остида мусобақа бўлиб ўтди.**

Унда спортнинг каратэ-до тури бўйича 8 вазн тоифасида куч синашган жамоалар ҳамда клуб мураббийлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашининг эсдалик совғалари ва махсус дипломлари билан тақдирландилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Аҳолининг халқ истеъмол молларига бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Республика Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳамда вилоят аҳолисини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан мукаммал ва узлуксиз таъминлаш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



## СИФАТ БОРАСИДА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

Шу муносабат билан Ўртачирчиқ туманидаги вилоят маънавият ва маърифат маркази биносида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва савдо ташкилотлари иштирокида халқ истеъмол моллари ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирдан мақсад истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш ҳисобига ҳудудий корхоналарда маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиш ҳамда асосий турдаги маҳсулотларнинг бозор нархлари кескин ошишига чек қўйишдир. Ярмаркада вилоятимизда фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий фирмалар иштирок этди.

Янгийўл шаҳридаги "Янгийўлсут" хусусий корхонаси бугунги кунда 17 хилдан зиёд сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ДУНЁ ДЎКОНИНИНГ ДАРЧАСИ

### унга кириш осон, лекин чиқиш мушкул

Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатида дўкон шундай таърифланади: бирор нарса сотиш учун махсус жиҳозланган савдо-сотиқ хонаси – баққол дўкони, китоб дўкони, пойабзал дўкони ва ҳоказо. Илгари ҳеч ким пойабзал хариди учун баққоллик, гўшт олиш ниятида китоб дўконининг дарчасини чертмасди. Тараққиёт мевасини қарангки, дастлаб универмаг, кейинчалик супермаркетларнинг пайдо бўлиши шундай дўконлар эшигидан кирган харидорнинг мушкулини осон қилди. Кийим-кечак ва атторлик, хўжалик моллари ва маиший техника, озиқ-овқатнинг минг хили, ҳар қандай мижозга маъқул келадиган сервис – буларнинг бари битта дўконда мужассам. Бироқ ҳеч қайси супермаркет олди-бердию савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ва ахборот алмашиш, қулайлигу имкониятлар кенглиги бўйича интернетнинг олдидан ўтолмайди. Унинг дунё дўкони дея таърифланиши ҳам шундан.

Супермаркет билан интернетнинг яна бир фарқи – биринчисига эшикдан кирилса, иккинчисига дарчадан ўтилади. Столингиздаги компьютер монитори, қўлингиздаги телефоннинг митти дисплейи, уйингиздаги телевизор экрани дунё дўконининг дарчасидир.

Аслида интернет ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ мудофаа департаментида ҳарбий бўлинмалар ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш, махфий маълумотларни тезкор ва хавфсиз узатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Лекин бора-бора бу хизматдан фуқаролик институтлари, бошқача айтганда, оддий юридик ва жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин, деган хулосага келинди. Боиси интернет – жуда катта даромад манбаи.

Ҳозирда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони ҳайратланарли даражада ўсиб, усиз бугунги ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қайд этилишича, 1980-йилларнинг охирида атиги 28 мингта компьютер интернетга уланган бўлса, орадан ўн йил ўтиб бу кўрсаткич 10 миллионга етган. Глобал тармоқнинг бу даражада кескин ўсишини кўриб, уни чиндан-да дунё дўкони деб атайсиз. Кичик дарча орқали етти иқлимга мўралаб, эҳтиёжингизга ярашасини танлаб олаверасиз. Супермаркетдан фарқи шундаки, унинг чегараси йўқ.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2012 йилга бориб, 1 миллиард 900 миллион киши, бошқача айтганда, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизи шу тармоққа уланар экан. Аммо тараққиёт ҳам тез таъсир кўрсатувчи кучли доридек гап, баъзида дардни енгиллатиш билан бирга зарари ҳам тегади. Яъни, ҳар қандай жараённинг яхши ва ёмон томонлари бўлади. Буларнинг келиб чиқишига, шаклланишига туртки берадиган омиллар ҳам талайгина.

(Давоми 4-бетда).

# ТУГАНМАС ИЛҲОМ МАНБАИ

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган кўргазмада таниқли мусаввир Жамол Усмоновнинг улуғ мутафаккир асарлари асосида ишлаган картиналари намойиш этилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бой маънавий сарчашмаларимиз, жумладан Алишер Навоий ижодини чуқур ва мукаммал тадқиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Тарихимиз, маънавий меросимиз, адабиётимизни холис ва ҳаққоний, айни пайтда чуқур бадиий, илмий ёндашув асосида ўрганилаётгани бунинг далилидир.

Шоир ижоди ёзувчи ва шоирлар, олимлар, мусиқачилар каби мусаввирлар учун ҳам туганмас илҳом манбаидир. Улуғ мутафаккир ижодидан Чингиз Аҳмаров, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Темур Саъдулло каби забардаст мўйқалам соҳиблари баҳраманд бўлиб, ўзларининг энг гўзал картиналарини яратишган.

Шоирнинг "Лисон ут-тайр", "Сабъаи сайёр", "Хазойин ул-маоний" асарлари асосида мусаввир Ж. Усмонов томонидан яратилган туркум картиналар санъат ихлосмандларини ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, комиллик сари интилиш каби ғоялар ҳақида чуқур мушоҳадага чорлайди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Қиш зийнати.*

**Азамат АҲМЕДОВ сурат-лавҳаси.**

МАЪНАВИЯТ

# ЭКРАНДАГИ ЙИГИТЛАР ҲАҚИДА АНДИШАМИЗ

**Инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатувчи киносанъати ҳақида гап кетганда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикрлари хаёлимдан ўтади: "Энг оммавий санъат тури бўлмиш кино соҳасини оладиган бўлсак, ўз вақтида бу борада бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан қайд этиш лозим, – деган сўзлари ёдга тушади. – Шахсан мен ҳар сафар "Тоҳир ва Зуҳра", "Ўткан кунлар", "Сен етим эмассан", "Маҳаллада дув-дув гап" каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қиламан. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.**

Бу фикрларнинг исботи сифатида бир воқеани келтирмоқчиман. Дам олиш кунларининг бирида "Ўткан кунлар" фильмини кўриб ўтирган ота-онасидан 14 ёшли болакай сўради:

– Бу фильмни ҳойнаҳой юзинчи марта кўраётгандирсизлар, а?

– Ҳа, нима эди, болам? Сен ҳам кўрсанг фойдадан ҳоли бўлмасди.

– Ҳозир бошқа каналда боевик (жангари фильм демоқчи) бўлиши керак эди. "Бой без правил" деган...

– У қандай кино экан, ўзбекча номи қанақа ўзи?

– Э, ота шуни ҳам билмайсизми, боевик дегани уруш, муштлашиш, абжағини чиқариш дегани. Американики...

– Болам, ўзини билмаган, ўзгани ҳам танимас, деганлар. Ўз халқига, миллий қадриятларига нописандлик билан қараш яхшиликка олиб келмайди.

– Ундай эмас, ота. Фақат ҳозир Отабекка ўхшаган ақлли, мард, жасур йигитлар ҳам, Кумушга ўхшаган ҳаёли, садоқатли қизлар ҳам йўқ, бўлса ҳам жуда кам. Ўқитувчимиз шундай деган...

– Ўзинг-чи, ўзинг, Отабекка ўхшагинг келмайдими?

– Албатта, ўхшагим келади. Ана, яқинда бир ўртоғимнинг дадаси Америкадан келди. У ёқларда ҳам "Ўткан кунлар"ни қизиқиб кўришар экан. Ўзбек йигитларини кўришса, Атабек деб чақиришар экан...

Шу биргина каломнинг ўзи миллий қадриятларимиз, гўзал хулқли халқимизга берилган баҳо эмасми? Ҳозирги кун кино санъати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкинми? Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида миллий киносанъати, яратилаётган кинофильмларнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Уларда "миллий ўзлик" тушунчаси яққол сезилиб туради. Бу ҳар қандай миллат кишисига чуқур маънавий озуқа беради. Халқаро кино фестивалларида эътироф этилиб, совринларга эга бўлаётган киноларимиз – "Ватан", "Ўтов", "Чашма", "Чимилдиқ"дан тортиб "Телба", "Келгинди куёв", "Жаноб ҳеч ким", "Ой остидаги ҳовли"ларни ҳар сафар кўрганингизда вужудингиз, онгу шуурингиз ором олади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шунингдек, бир марта кўргач, хотирадан ўчиб кетадиган, мазмун-моҳият жиҳатидан "тош босмайдиган" енгил-елпи кинофильмларимиз ҳам йўқ эмас. Баъзан "эсиз вақт, эсиз маблағ", дея куюниб айтилган хитобларнинг қулоққа чалиниши ҳам бор гап.

Ахир, ҳозирги ёшларнинг севги-муҳаббат бобидаги "саргузашт"ларини бу қадар бўрттириш, фақат такрор-такрор шу мавзуга мурожаат этавериш сийқаликка олиб келмайдими? Киномаҳсулотларнинг кўплиги яхши-я, лекин, улар буюм эмаски, бирини ушлаб, иккинчисини ташлаб юборсанг. Бинобарин, уларни кўриш баробарида, "ҳазм" қила олиш ҳам керак-да. Ахир, инсон руҳияти гулдек нозик. Эзгуликка йўғрилган воқеа-ҳодисалардан кўнгли ўсиб, осмонларга парвоз қилувчи юрак ёвузлик акс этган эпизодларни кўраверив, қалби тошга, фикр доираси кўлмакка айланиб қолмасмикан?!

Ҳозирги кунда режиссёрлик фаолияти билан шуғулланаётган кексаю ёш киномутахассислар, ёш актёрлар бисёр. Улар орасида эътиборга тушганлари ҳам кўп. Шунингдек, томошабинлар меҳрини қозонаётган иқтидорли актёрларимиз кундан-кунга ортмоқда. Бу қувонарли, албатта. Аммо, қиёмига етмаган айрим киноасарлар уларнинг қиёфасини хиралаштириб қўймаяптимикан?!

Яқинда ўзининг "Бўрилар" фильми билан оғизга тушган Зебо Наврўзованинг "Соғинч" картинаси намойиш этилди. Сценарий муаллифи ва бош роль ижрочиси Шоҳруххонни, айниқса, ёшлар яхши танишади. Ахир, у хонанда сифатида ҳам ўз мухлисларига эга. Киномухлисларни ҳозир унча-мунча сюжет билан ҳайрон қолдириб бўлмайди. Аммо, хонанданинг кинода чиқиши ёки аксинча, актёрнинг қўшиқ куйлаши илк дафъа эътиборни тортиши айни ҳақиқат. Шу маънода "Соғинч" фильми бош қаҳрамон ижрочиси Шоҳруххон орқали эътиборга тушган бўлса, эҳтимол...

Шу билан бирга, фильм баъзи бир ғашга тегадиган қусурлардан ҳам ҳоли эмас. Ҳар қандай асар, аввало, бирор янги, теша тегмаган мавзуни ёритганлиги билан қадрланади. Лекин, безорилик, қўполлик, шафқатсизликнинг ҳаддан ортиқ бўрттириб кўрсатилиши тарбияга акс таъсир қилмасмикан?

Худди шундай ҳолатлар Шерзод Ўлмасов қаламига мансуб "Аччиқ ҳаёт" фильмида ҳам йўқ эмас. Ўзига хос овоз, қиёфага эга бўлган хонанда ва актёр Жаҳонгир Фозилжонов режиссёрлигида тасвирга олинган мазкур фильмнинг бош қаҳрамони ҳам Жаҳонгирнинг ўзи (Баҳром ролида). Кўпроқ комик ролларга мос актёрнинг бу киноасардаги ижросини қиёмига етган, деб айтолмаймиз.

Тўғри, фильмда одам савдоси, фирибгарлик, қаллоблик каби иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритилади. Лекин, бош қаҳрамон ва унинг дўстларининг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, катта миқдордаги пулнинг ўғирланиши-ю, ўша бойваччанинг қизини севиб қолиб, уларникига ахлат ташийдиган машинада келиши каби зўрма-зўраки саҳналар, куёвнинг Баҳром томонидан аёвсиз калтакланиши, шунингдек, бир кишини 5-10 та йигит шафқатсизларча тепкилаб ташлаши каби кўринишлар дидсизликнинг илдиз отишига сабаб бўлмасмикан?

Ахир, халқимизда "урсанг эти қотади" деган гап бежиз айтилмаган. Наҳотки, ҳозирги қаҳрамонларимизнинг севгидан бошқа жонфидо қиладиган ташвиши йўқ!

Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир фикрини келтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: "Лекин, шуни ҳам холисона айтиш керакки, ёшларимизнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи киноэкранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради".

Ҳозирги кунда бу йўлдаги изланишлар, яратилаётган хилма-хил сериалларда замонавий қаҳрамон образини яратишга интилишлар кўзга ташланади. Аммо бу етарлимикан? Аслида, киносценарий ёзадиган забардаст кинодраматург ёзувчиларимиз йўқ эмас. Ёш, иқтидорли режиссёрлардан фарқли ўлароқ, маънавий баркамоллик пиллапояларига энди қадам қўяётган ёш режиссёру актёрлар кўпни кўрган кекса устозлардан ўрганиб, кейин фильм яратишса яхши бўлармиди?

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Спорт

### «ОЛИМПИАДА»

4 кун олдин Канаданинг Ванкувер шаҳрида бошланган XXI қишки Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди. Унда 82 мамлакатдан 2500 спортчи қатнашмоқда.

Иштирокчилар 15 спорт тури бўйича 85 та медаллар шодаси учун кураш олиб борадилар. Юртимиз шарафини тоғ чанғисидан Ксения Григорьева ва Олег Шамаев, фигурали учиш бўйича Анастасия Гимазетдинова ҳимоя қилади.

### БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Тошкент шаҳрининг универсал спорт саройида бадиий гимнастика бўйича 11-Осиё очиқ чемпионати бошланди. Унда 12 давлатдан 150 спортчи қатнашмоқда. Ушбу чемпионат бадиий гимнастика соҳасида муҳим тайёргарлик босқичи ҳисобланиб, шу йил август ойида Сингапурда бўлиб ўтадиган 1-ўсмирлар олимпиадасига йўлланма беради.

Осиё очиқ чемпионатида Ўзбекистон шарафини 7 гимнастикачимиз ҳимоя қилади. Якка дастурда: Азиза Мамажонова, Сарвина Холиқова, Бону Ғуломова, гуруҳ баҳсларида Ольга Кирьякова, Зарина Қурбонова, Вероника Угай, Луиза Ғаниева медаллар учун кураш олиб борадилар.

### ФУТБОЛ

Осиё чемпионлар лигасида "Бунёдкор"нинг сўнгги рақиби аниқ бўлди. Бу – биринчи ўтиш турнирида Сурияниннг «Ал-Карама» жамоасини ортда қолдирган Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» жамоасидир.

«Ал-Ваҳда» ҳал қилувчи баҳсда Ҳиндистоннинг «Черчилль Бразерс» клубини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "С" гуруҳининг тўртинчи иштирокчисига айланди.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳда ўтган йилги финалчи – Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» ва Эроннинг «Зоб Аҳан» жамоалари ҳам бор.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ДУНЁ ДЎКОНИНИНГ ДАРЧАСИ



Шу маънода юртимизда интернетдан фойдаланувчилар 2,74 миллионга етганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, кутубхоналаримизда сақланаётган нодир асарларнинг электрон вариантлари яратилаётир. Бугун миллий "UZ" зонасида рўйхатга олинган доменлар 9800 тани, тармоққа уланишнинг умумий тезлиги секундига 1,2 гигабитни ташкил этмоқда.

Интернетнинг қидирув хизмати излаган маълумотингизни саноқли дақиқаларда топиб беради. Бироқ дунё дўкони дарчасида таклиф этилаётган маҳсулотларни сифатли ё сифатсиз, яхши ё ёмонга ажратиш нафақат фарзандларимиз, катталар учун ҳам осон кечмайди. Мантиқан олиб қараганда, ўз дўконида ибосизлик ва беҳаёликни, жангарилик ва вахшийликни таклиф қиладиган "сотувчилар"нинг мақсади фақат тижорат, кўпроқ пул тўплашдан иборат эмас. Носоғлом руҳдаги ахборотлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига, онги ва тафаккурига зарар етказади.

Интернетнинг яратувчилари уни бежиз word wide web – жаҳон ўргимчак тўри деб атамаган экан. Бу тармоқнинг оҳанрабоси, интернет жодуси нафақат ўсиб келаётган ёшлар, баъзан катталарни ҳам сеҳрлаб қўяётир. Узлуксиз компьютер олдида ўтирадиган ва ҳамма нарсани унутадиган, оқибатда турли хасталикларга чалинган одамлар ҳақида интернетнинг ўзи кўплаб мисолларни тақдим этади.

Rambler.ru порталининг Rиметрика лойиҳаси доирасидаги тадқиқотлардан бирининг натижаларига мурожаат қиламиз. Россияда 14 ёшгача бўлган интернет фойдаланувчилари сони 8-10 миллионни ташкил қилади. Уларнинг 75 фоизи тармоққа мустақил равишда киради. Болалигида ота-онаси назорати остида интернетга кирганларнинг 7 фоизигина ўсмирлигида бу анъанани бузмайди. 14 ёшгача бўлган интернет фойдаланувчиларининг 39 фоизи ахлоқсиз сайтларга кирган, 19 фоизи зўравонлик саҳналарини томоша қилган, 16 фоизи қимор ўйнаган, 14 фоизи наркотик моддаларга қизиқиш билдирган. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Бугун ер шарининг нариги томонида бўлаётган воқеани интернетнинг on-line тизими орқали тўғридан-тўғри кузатиш имкони бор. Бунинг учун телевизор ёки компьютер бўлиши шарт эмас. Телекоммуникация соҳасидаги ютуқлардан хабардор киши учун қўлидаги мобиль телефон ҳам катта дарча вазифасини ўтайди.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, дунёнинг энг улкан дўконига қиёслаётганимиз ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ғоят ўткир қуролига айланди. Натижада бу дарчадан ҳар хил сиёсий кучлар ва марказлар ўз манфаатларини қондириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Жумладан, куни кеча Европа давлатларидан бирида бўлиб ўтган президент сайлови арафасида интернет орқали амалга оширилган информацион террор тўғрисида бутун дунё бир зумда хабар топди.

Хуллас, ахборот олиш мумкин бўлган замонавий коммуникациялар – телевидение ва интернетнинг жадал ривожланиши, ҳаётимизда нақадар муҳим аҳамият касб этиб бораётгани, ижобий жиҳатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин тараққиётга хизмат этувчи жараёнларнинг салбий томонлари ҳам борки, халқимизни, айниқса, ёшларни ундан қатъий ҳимоя қилиш даркор.

Аммо бу борада бир томонлама ёндашув, фарзандларимизга ниманидир қатъий тақиқлаш орқали масаланинг ечимини топиб бўлмаслиги равшан. Ёшларимизнинг маънавий оламини янада бойитиш ва бу жараёнда бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан шакллантириш, бир сўз билан айтганда, маънавий иммунитет яратиш зарур.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидланганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Қолаверса, фарзандларимизни замонавий тараққиётдан орқада қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

### Ўз уйи – ўлан тўшаги

*– Биродарлар, – дебди қурилиш бошлиғи ишчиларга, – бу бинони биз юракдан чиқариб, ҳеч қандай қинғирликка йўл қўймасдан, мустаҳкам қилиб қуришимиз керак. Чунки ҳали бу жой иккинчи уйимиздек бўлиб қолади.*

*– Ўзи нима қуряпмиз? – сўрабди ишчилардан бири.*

*– Прокуратура...*

### Энг оғир саҳна

*Киноюлдуз суратга олиш майдончасида бегона одамга дуч келиб қолди.*

*– Кимсиз? – деб сўради ундан.*

*– Мен сизнинг дублёрингизман, – тушунтира кетди йигит. – Ҳаётингизга хавф соладиган кўринишларда ўрнингизга саҳнага чиқаман.*

*– Унда, – деди киноюлдуз, – ҳозир бизнинг уйга бориб, хотинимнинг, "Кеча кечаси билан қаерларда сандирақлаб юрдингиз?" деган саволига жавоб бериб келинг!*

### Сўнгги олиш шарт эмас

*Йигит қувлик билан оғайнисига савол ташлабди:*

*– Кеча сени боғнинг хилват бурчагида ёш, кетворган бир жонон билан учратдим... Ҳойнаҳой, у сенинг қизинг бўлса керак, а?*

*– Албатта, – дангал жавоб берибди ўртоғи. Сўнг чайналиб давом этибди: – Фақат биласанми, бу ҳақда хотинимга айтиб ўтиришинг шарт эмас.*

## БУ – ҚИЗИҚ

### СОТУВДА ҚИРОЛ ЖАВОНИ

*"Кристис" кимошди савдо уйида италиялик уста Доменико Куччи ясаган жавон 7,33 миллион АҚШ долларига сотилди. XVII асрга оид бу жиҳоз Швеция қиролига тегишли бўлган. Қизил дарахт ёғочидан тайёрланган жавон олтин суви юргизилган нақшлар билан безатилган.*

### МОБИЛЬ УЧУН ЭКРАН

*Жанубий Кореянинг "Samsung Mobile Display" корпорацияси мобиль телефонга мўлжалланган сенсорли AMOLED-экран яратди. Korea IT Times газетасининг ёзишича, унинг диагонали 3,3 дюйм, аниқлиги – 800x480 пиксель. Сенсор қопламанинг қалинлиги атиги 0,001 миллиметр. Мутахассислар AMOLED-экран бошқа дисплейларга нисбатан кўпроқ энергия тежаш хусусиятига эга эканини таъкидлашмоқда.*

**ЎзА.**

РАССОМ ХАНДАСИ







Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Ахунов Олимжон Акимжанович номига берилган К № 730630 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, Чиланзар 11-квартал, дом 48, кв. 7, выданный Учтепинским БТИ на имя Базаровой Бури Джуманиязовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, 5-уйда жойлашган "O`zbekqishloqsavdo" МЧЖнинг амалдаги муҳри таъсисчининг қарорига биноан ҳақиқий эмас деб топилган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 2 3 4 5